

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ ВА ЮҚУМЛИ
КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

ЭРАЛИЕВ УМИДЖАН ЭРГАШОВИЧ

БОЛАЛАРДА КЕЧАДИГАН ДИАРЕЯЛИ ИНФЕКЦИЯЛАРНИНГ
ТАШХИСИНИ ҲАМДА ДАВОЛАШ УСЛУБЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.10 – Юқумли касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Эралиев Умиджан Эргашович

Болаларда кечадиган диареяли инфекцияларнинг ташхисини
ҳамда даволаш услубларини такомиллаштириш 3

Эралиев Умиджан Эргашович

Совершенствование методов диагностики
и лечения диарейных инфекций у детей 25

Eraliev Umidjan Ergashovich

Improvement of diagnostic methods and treatment
of diarrheal infections in children 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 50

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ ВА ЮҚУМЛИ
КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

ЭРАЛИЕВ УМИДЖАН ЭРГАШОВИЧ

БОЛАЛАРДА КЕЧАДИГАН ДИАРЕЯЛИ ИНФЕКЦИЯЛАРНИНГ
ТАШХИСИНИ ҲАМДА ДАВОЛАШ УСЛУБЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.10 – Юқумли касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Tib246 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус (инглиз резюме) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.tma.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида www.ziyonet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Туйчиев Лазиз Надирович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Таджиев Ботир Мирхашимович
тиббиёт фанлари доктори

Ахмедова Мубарахон Джалиловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Вирусология илмий-текшириш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: +99871-150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н. С. Атабеков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори

Н. У. Таджиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Т. А. Даминов

Илмий даражалар берувчи илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА академиги

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ўткир ичак инфекциялари (ЎИИ) муаммоси илк болалик давридаги болалар орасида кенг тарқалган ва оғир асоратларни келтириб чиқарадиган касалликлар тури ҳисобланади. Касаллик асосан эрта ёшли болаларда касалликнинг оғир ва асоратланган шакллариининг кенг тарқалиши ҳамда касалликдан сўнг ҳазм қилиш системасидаги бузилишлар сабабли ўзининг долзарблигини сақлаб келмоқда. Ўткир ичак инфекциялар жамиятда сезиларли даражада иқтисодий йўқотишга олиб келганлиги сабабли, тиббий ва ижтимоий жиҳатдан муҳим муаммолардан бири ҳисобланади¹. Охириги йилларда ўткир ичак инфекцияларининг этиологик тузилишида вирусли гастроэнтеритларнинг ўрни ошиб бормоқда, яъни 50-80% ҳолатларда ичак инфекциялари вирус этиологияли эканлиги аниқланган². Вирусли гастроэнтеритларнинг бугунги кунда қатор вакиллари, яъни ротавирус, норовирус, аденовирус учраб турибди. Шу билан биргаликда бактериал ичак инфекциялари 7-10%га камайиб, микст-инфекциялар (вирус-бактериал) миқдори 15-17%гача кўпайганлиги муаммонинг долзарблигини кўрсатади.

Жаҳонда болаларда диареяли инфекцияларни ташхислаш ва даволаш усуллариини такомиллаштиришга қаратилган тадбирларнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда, бу борада, болалар орасида диареяли юқумли касалликларни юқишини асосий омилларини аниқлаш ва уларни олдини олиш ва бартараф этишининг самарадор усуллариини ишлаб чиқиш; илк болалик даврида инфекцион диарея билан зарарланишнинг ташхислаш алгоритмини такомиллаштириш; инфекцион диарея билан болаларни зарарланишини клиник ва молекуляр генетик кўрсаткичларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш; касалликни даволашда дори воситаларни турли комбинацияларни организмнинг сезгирлигини ўрганиш; юқиш йўллариини инобатга олган ҳолда болаларда инфекцион диареялар олиб бориш тактикасини оптималлаштириш; инфекцион диарея касаллигини даволаш тизимини такомиллаштириш; вирусли ва вирус-бактериал этиологияли диареяларнинг клиник-эпидемиологик хусусиятларини асослаш; болаларда амбулатор ва госпитал босқичларда инфекцион диареяларни ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларини ҳажми ва самарадорлигини асослаш; болаларда ўткир диареяни амбулатор даражада этиологик верификация қилиш учун экспресс-тестлаш усулини қўллашнинг самарадорлигини такомиллаштириш; болаларда инфекцион диареяларни комплекс даволашга руҳ дори воситасининг қўшилиши натижасидаги клиник ва иқтисодий самарадорлигини асослаш; инфекцион диарея билан касалланишни олдини олишга қаратилган даволаш чора-тадбирларни замонавий ишончли тизимини

¹ Isakbaeva E. T., E. Musabaev, L. Antil, R. Rheingans, R. Juraev, R. I. Glass, J. S. Bresee Rotavirus Disease in Uzbekistan: Cost-effectiveness of a new vaccine // Vaccine 25. – 2007. – P. 373–380

² Дорошина Е.А. и др. Вирусные диареи в этиологической структуре острых кишечных инфекций у детей, госпитализированных в стационар г.Москвы// Инф. болезни. -2009. №3. -С.84-86

ишлаб чиқиш ва соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этиш кабилар алоҳида ахамият касб этади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда муҳим вазифалар, жумладан, соматик касалликлари профилактикаси, ташхислаш, самарали даволашда замонавий технологияларни қўллашни кенгайтириш орқали юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий техника базасини мустахкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оила саломатлигини мустахкамлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш...»³ бўйича вазифалар юклатилган. Бу борада турли юқумли касалликларни профилактикаси ва ташхислаш, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш орқали аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичларини пасайтириш ва умр узайишини таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда дунёнинг турли минтақаларида болаларда кечадиган ўткир диареяларнинг замонавий этиологик тузилмаси бўйича яқин ва узоқ ҳориж адабиётларида кенг ёритиб келинмоқда (Mwenda JM et al, 2012; Tate J.E., et al, 2012; Мазанкова ва ҳамм., 2014; Лобзин Ю.В. ва ҳамм., 2015; Пронько ва ҳамм., 2015; Liu L. et al, 2015). Ротавирус вакцинациясининг миллий эмлаш календарига киритилишининг самарадорлиги юзасидан етарли исботланган захира мавжуд (Fischer Walker S.L. et al, 2011; Tate J.E. et al, 2012; Enweronu-Laryea C.C. et al, 2014). Шу билан бирга, собиқ иттифоқ давлатлари орасида болаларда кечадиган ўткир

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони

диареяларни олиб бориш бўйича илмий-амалий тадқиқотлар етарли эмас. МДХ мамлакатларидаги бир қатор давлатларда (Қирғизистон, Белоруссия) мултииндикаторли кластер тадқиқотлари бўйича ҳисоботлар мавжуд, бироқ улар мунтазам равишда олиб борилмаган, бу эса болаларда ўткир диареяни даволаш жараёнининг мониторинги имкониятларини чегаралайди. Ўзбекистон Республикасида ўткир диареяга бағишланган қатор тадқиқотлар олиб борилган (Ибадова Г. А. ва ҳаммуал., 2013, 2015; Абдухалилова Г. К. ва ҳаммуал., 2014; Асилова М. У. ва ҳаммуал., 2015), бироқ, улар асосан моно-инфекцияга бағишланган бўлиб, микст диареялар тузилмаси бўйича маълумотлар чегараланган, ушбу йўналишда нашр этилган тадқиқотлар диққати ротавирусга қарши эмлаш киритилишигача бўлган даврга қаратилган.

Хориж адабиётларида ўткир диареяни комплекс даволашга рух воситаситаларини кўшилиши ҳисобига даволашни такомиллаштириш бўйича маълумотлар кенг ёритилган (Polat T. B. et al., 2003; Walker N. et al., 2010; Fischer-Walker C. et al., 2011; Dutta P. et al., 2011; Lazzerini M. et al., 2013). Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикасида ҳам ушбу муаммо юзасидан, санокли тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, педиатрияда рухнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича маҳаллий клиник тадқиқотлар мавжуд эмас. Ушбу йўналишдаги беморларни даволаш тартибининг замонавий тактикасини ишлаб чиқариш диссертация тадқиқотини ўз вақтида бажарилганлигидан далолат беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбекистонда аҳамиятга молик инфекцияларнинг этиопатогенетик даволаш усулларини такомиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда кечадиган инфекцион диареяларнинг ташхиси ва даволашга бўлган ёндашувни такомиллаштириш.

Тадқиқот вазифалари:

беш ёшгача бўлган болаларда вирусли ва вирус-бактериал диареяларнинг этиологик тузилмасини ўрганиш;

болаларда вирусли ва вирус-бактерия этиологияли диареяларнинг замонавий босқичларда клиник-эпидемиологик хусусиятларини аниқлаш;

амбулатор ва стационар босқичларда ўткир ичак инфекцияли болаларда ташхисот аралашувлар ва даволаш тадбирларининг ҳажми ва самарадорлигини ўрганиш;

болалардаги ўткир инфекцион диареяларни амбулатор даражада этиологик тузилмасини аниқлашда экспресс-тестлар самарадорлигини баҳолаш;

инфекцион табиатли диареяларни комплекс даволашга рух дори воситасини қўлланилишининг самарадорлигини баҳолаш

Тадқиқотнинг объекти сифатида инфекцион ўткир диарея билан касалланган 402 нафар 5 ёшгача бўлган бемор болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети инфекцион диарея билан касалланган бемор болаларнинг серологик ва молекуляр-генетик кўрсаткичларини ўрганиш учун нажас комплекс таҳлил материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларни ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун ишда умумклиник, серологик (экспресс-ташхислаш), молекуляр-генетик, статистик текширув усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

беш ёшгача бўлган болаларда ўткир юқумли диареяларнинг ротавирусга қарши эмлаш давридаги этиологик тузилиши, моно – ва микст – диареяларнинг клиник-лаборатор ва эпидемиологик хусусиятларини таққосланган ҳолда асосланган;

амбулатор ва шифохона шароитида диареяларни ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларининг ҳажми ва самараси такомиллаштирилган;

болаларда ўткир инфекцион диареяларни скрининг тизимида экспресс-тестлаш тизимини қўллашнинг самарадорлиги исботланган;

юқумли диарея касаллиги кечишининг клиник ўзига хос хусусиятлари, диарея билан касалланган болалар ҳаёти сифатини яхшилашга қаратилган ташхислаш тартиби такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

амбулатор ва шифохона шароитида диареяларни ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларининг ҳажмига асосан комплекс оптимизация қилиш бўйича тавсиялар берилган;

соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида болаларда ўткир диареяларни скрининги учун иммунохроматографик экспресс-тестини киритиш асосланган;

ўткир инфекцион диареяли болаларда кўзгатувчининг туридан қатъий назар комплекс даволашга руҳ дори воситасини қўшиш мақсадга мувофиқлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларга бири иккинчисини тўлдирадиган умумклиник, серологик, экспресс - ташхислаш, молекуляр-генетик, статистик текширув усуллар ёрдамида ишлов берилган. Инфекцион диарея касаллигини кечишининг ўта хусусиятли қонуниятлари асосида турли усулларни қўлланилгани, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инфекцион диарея келиб чиқиш сабаблари, юқиш омиллари, беш ёшгача бўлган болалар орасида тарқалиш босқичларини маълум қилиб, касалликнинг юқиш механизми ва тарқалишининг асосий омиллари ажратилган ва уларни бартараф қилиш бўйича чоралар таклиф қилинган. Юқумли касалликлар шифокорларига илк

болалик даврида касалликни эрта босқичларда касалликнинг ташхислаш усуллари белгиланган, инфекциян диарея билан касалланган микст патологияларли болаларда диареянинг клиник, молекуляр-генетик ўзига хос хусусиятлари кўрсатилган, болаларда инфекциян диареяларнинг даволаш схемаларини самарадорлигини баҳолаш билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти болалар орасида инфекциян диареяларни даволаш тактикасини танлашга бўлган такомиллаштирилган ёндошишнинг асоси бўлди, бу эса даволашнинг клиник ва серологик ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишга имкон берди, рух дори воситасини қўллаш билан даволаш самарадорлигини ошириш ва беморларни шифохонада даволаниш давомийлигини камайтириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда диареяли инфекцияларни ташхислаш ва даволаш усуллари такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Болаларда ўткир диареянинг ташхислаш алгоритми» услубий қўлланмаси соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган. Мазкур услубий қўлланма инфекциян диарея билан хасталанган болалар орасида касалликни эрта ташхислаш ва самарали даволаш механизмини исботлаш ҳамда касаллик даволаш тартиби амалга оширишга имкон берган;

болаларда диареяли инфекцияларни ташхислаш ва даволаш усуллари такомиллаштириш касалликнинг асоратларини камайтириш бўйича олинган илмий натижалар Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти клиникаси ва Тошкент шаҳридаги 4-сон Болалар юқумли касалликлар шифохонасининг клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 29 январдаги 8Н-з/12-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши касалликни даволаш самарадорлигини ошириб, касалликнинг тарқалишини камайтириш, келиб чиқадиган асоратларни олдини олиш, шифохонада даволаниш вақтини 1,3 баробарга камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар 9 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган ва 117 бетдан иборат.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янглиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда ўткир инфекцион диареяларнинг замонавий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобда болалар орасида инфекцион ўткир диареяларнинг эпидемиологияси, диареяларнинг сабаблари ва патогенези хавфининг омиллари, болаларда диареяларнинг кечишининг ўзига хос хусусиятлари, бактериологик хусусиятлари, болаларда ўткир диареяларни даволашга бўлган замонавий ёндашишлар тўғрисидаги замонавий маълумотлар келтирилган. Адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш асосида ишнинг долзарблиги ва танланган мавзунинг ўрганишнинг зарурлиги асослаб берилган, шунингдек мазкур муаммони ҳал этилмаган ёки аниқлаштиришни талаб қилувчи қирралари белгилаб олинган

Диссертациянинг «**Болаларда ўткир инфекцион диареяларда клиник материал ва тадқиқот усулларининг тавсифи**» деб номланган иккинчи бобда тадқиқот материали ва усуллари баён этилган. Тадқиқот 2012 - 2016 йиллар давомида олиб борилган. Клиник материал ЭМЮКИТИ клиникасининг 1- ва 2-сонли болалар юкумли касалликлар бўлимида ва Тошкент шаҳар 4-сон болалар юкумли касалликлар клиник шифохонасида тўпланган. Тадқиқот давомида шифохонада даволанаётган «Ўткир диарея» билан касалланган 5 ёшгача бўлган 402 нафар болалар текширилган. Беморлар тасодифий танлов асосида йилнинг барча фаслларида текширилган (1-расм). Ўткир диареяларда амбулатория ва шифохоналарда кўрсатиладиган тиббий ёрдам ҳажмини баҳолаш мақсадида махсус ишлаб чиқилган анкета-сўровномаси асосида маълумотлар йиғилди. Тадқиқотга жами 69 та бирламчи бўғин (ҚВП, оилавий поликлиника, кўп тармоқли марказий поликлиника) ва 55 та шифохона даражасидаги (вилоят ва шаҳар юкумли касалликлар шифохонаси, туман тиббиёт бирлашмасининг юкумли касалликлар бўлими) тиббиёт муассасалари олинган. Ўткир инфекцион диареяларни комплекс даволаш курсига рух дори воситасининг қўшилгандаги самарадорлигини аниқлаш учун когорт проспектив текширув ўтказилди. Рух сақловчи дори воситалари сифатида рух сульфат, яъни Ўзбекистонда қадоқланган «Цинка» номли рух дори воситаси қўлланилди. Рух дори воситасини тавсия қилиш, ушбу воситанинг тиббий қўлланмасига мос ҳолда амалга оширилди. Болаларда 10 кун давомида қуйидаги кўрсаткичлар жумладан, умумий ҳолати, гипертермия, қайт қилиш, диарея (сони, нажасда патологик аралашмаларнинг бўлиши, консистенцияси ва

нажас ранги), катарал белгиларнинг мавжудлиги баҳоланди. Бундан ташқари, асосий лаборатор кўрсаткичларнинг динамикада ўзгариши ҳам баҳоланди.



1-расм. Кузатувдаги ўткир диареяли болаларнинг гуруҳлар бўйича тақсимланиши

Тадқиқотда қуйидаги текширув усуллари қўлланилди. Умумклиник текширув усуллари: Тадқиқотга киритилган ўткир диарея билан оғриган болаларда клиник белгиларни баҳолаш учун қуйидаги текширувлар, умумий қон ва нажас таҳлиллари ўтказилди. Сувсизланиш даражаси ЎЗР ССВ 2013 йил 10 июлдаги 225-сонли «Болаларга тиббий хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги буйруғига асосан баҳоланди. Сувсизланиш даражасини аниқлаш асосида сув танқислиги ҳисобланди ва дегидратация терапияси олиб борилди. Беморлардан ИФТ, ИХА ва ПЗР текшириш усуллари ўтказиш учун нажас материали йиғилди.

Иммунофермент таҳлил усулида (ИФТ) нажасда ротавирус, норо-, адено- ва астровирус антигенларини аниқлаш учун «Аквапласт» (Россия, Санкт- Петербург) тест- тизими қўлланилди. Бир қатор ҳолатларда нажасдаги ротавирус ёки аденовирусларни аниқлаб, скрининг текширувини ўтказиш учун бир босқичли иммунохроматографик тест (ИХА) қўлланилди (CerTest Rota-Adeno Card номли пластинка «CerTest Biotec» фирмасида ишлаб чиқилган. Испания). Экспресс-тестнинг ишлаш принципи қуйидагича: тест чизиқда натижа мембрана зонасида вирус антигенларига қарши сичқонлар моноклонал антитаначалари билан қопланган. Вирус антигенларига қарши ҳосил бўлган сичқонлар моноклонал антитаначалари тест чизиқда бўялиши билан намоён бўлади. Таҳлил вақтида намуна дастлаб қуритилган тест чизиғида бўялган конъюгат сифатида номоён бўлади (анти – ротавирус – сичқонларнинг моноклонал антитаначалари қизил микросфера билан боғланади ва анти – аденовирус – сичқон моноклонал антитаначалари ҳаво

ранг микросфера билан боғланади). Капилляр кучи таъсири остида аралашма мембрана бўйлаб ҳаракатланади. Натижалар мусбат бўлганда, мембранада жойлашган махсус антитаначалар конъюгатни ушлаб қолади.

Намунадаги натижалар соҳасида вирус турига боғлиқ равишда намуна жойлашган соҳада турли рангдаги чизиқлар пайдо бўлади. Ушбу чизиқлар таҳлил натижаларини интерпретацияси учун қўлланилади. Ser Test Rota – Adeno Card экспресс-тестининг самарадорлигини таққослаш мақсадида параллел равишда бошқа экспресс-тест қўлланилди, оқибатда қуйидаги натижаларга эришилди: ротавирус аниқланганда >99% сезгирлик ва 98% махсуслик, аденовирус аниқланганда эса - >90% сезгирлик ва >99% махсуслик кузатилди. Шунингдек, полимераза занжир реакцияси (ПЗР) қўлланилди. ПЗР ўтказиш учун бемор бола госпитализация қилинган кунидан дастлабки 48 соат ичида нажас йиғилди. Материални йиғиш учун бир марталик шпателдан фойдаланилди. Нажас намунаси 1-1,5 мл (г) олиниб, криопротектор ва консервант сақловчи (фосфатли буфер билан 0,05% ли азид натрий ва глицеролнинг 20% ли эритмаси) транспорт муҳитли пластик контейнерга жойлаштирилди. Нажас солинган ҳар бир контейнер алоҳида пакетга идентификацион карточка билан биргаликда қадоқланади. Материал текширувга етиб боргунига қадар 15-20°С ҳароратда ва 1-1,5 ойдан кўп бўлмаган муддатда сақланди.

Диареяларнинг этиологик кўзғатувчисини аниқлаш «АмплиСенс® ОКИ скрин FL» тест тизимининг қўлланилиши билан олиб борилди. У ДНК ва РНК сақловчи микроорганизмларни, жумладан, шигелла (*Shigella spp.*), Сальмонелла (*Salmonella spp.*), ичак таёқчаси (*E.Coli spp.*) ва термофил кампилобактериялар (*Campylobacter spp.*), F аденовируслар гуруҳи (*Adenovirus F*), A гуруҳ ротавируслари (*Rotavirus A*), норовирусларнинг 2 генотиби (*Norovirus 2* генотип), астровирусларни (*Astrovirus*) аниқлаш ва таққослама ташхисоти учун ПЗРси гибридизацион- флуоресцент детекция усулида олиб борилди. Намунадаги нажасдан вируслар РНКсини ажратиш олиш учун R.L.Atmar ва ҳаммуаллифлари томонидан ёзилган усулдан фойдаланилган бўлса, таҳлилни кейинги идентификациялаш учун J.R.Gentsch ва ҳаммуаллифлари томонидан ёзилган усулдан фойдаланилди. Нуклеин кислоталарини ажратиш олиш учун фойдаланиладиган йиғма ва ПЗР йиғмаси вирус ва бактериал ичак инфекцияларини аниқлаш учун «Интерлабсервис» (Россия) тўпламидан фойдаланилди.

J.R.Gentsch ва ҳаммуаллифлари таклиф этган, мослаштирилган усулига асосан ўткир диареяли болаларда вирус ва бактериал кўзғатувчиларни аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институтининг лабораториясида мултиплекс ТТ-ПЗР ёрдамида ўтказилди.

Иммунохроматографик экспресс-тестларни қўллашнинг қулайлигини ва самарадорлигини баҳолаш мақсадида болаларда рота- ва аденовирусларни аниқлаш ўтказилди. Баҳоладиган текширув натижалари (иммунохроматографик экспресс-тестлар) «Олтин стандарт» сифатида қабул қилинган ПЗР усули натижалари билан таққосланди.

Ушбу ҳолатда ПЗР усулининг маълумотлари касаллик йўқлиги ёки мавжудлиги мезонлари сифатида қабул қилинди.

Диагностик экспресс-тестни ишончилигини (валидлигини) баҳолаш «иккига икки» 1-жадвал ёрдамида амалга оширилади.

1-жадвал

Диагностик тестнинг ишончилигини баҳолаш

Диагностик экспресс-тестнинг натижаси	Верифицирловчи услуб	
	Касаллик мавжуд	Касаллик мавжуд эмас
Мусбат	Хақиқий мусбат ХМ-т (a)	Ёлғон мусбат ЁМ-т (b)
Манфий	Ёлғон манфий ЁМ-й (c)	Хақиқий манфий ХМ-й (d)

Шартли атамалар ва тестни ҳисоблаш характеристикаси:

a – хақиқий мусбат сон натижалари (ХМ-т);

b – ёлғон мусбат сон натижалари (ЁМ-т);

c – ёлғон манфий сон натижалари (ЁМ-й);

d – хақиқий манфий сон натижалари (ХМ-й);

$$\text{Сезувчанлик } Se = \frac{a}{a+c} \quad \text{Специфлик } Sp = \frac{d}{b+d}$$

Мусбат прогностик қиймат – тест мусбат натижа берган шахсларда касалликнинг аниқланиш эҳтимоли.

$$P_{v+} = \frac{a}{a+b} = \frac{XMt}{XMt + \dot{E}Mt}$$

Манфий прогностик қиймат – тест манфий натижа берган шахсларда касалликнинг аниқланмаслик эҳтимоли.

$$P_{v-} = \frac{d}{d+c} = \frac{XM\dot{y}}{XM\dot{y} + \dot{E}M\dot{y}}$$

Бу катталиқлар асосан 100 кўпайтирилади ва фоизларда намоён этилади.

Статистик кўрсаткичлар сифатли аниқланиши учун χ^2 ва z- мезонилари (Гланц С., 1998) қуйидаги формула асосида ҳисобланди (хи-квадрат):

$$z = (p_1 - p_2) \sqrt{\frac{n_1 \cdot n_2}{p(1-p) \cdot (n_1 + n_2)}}$$

Бу ерда $p_1 = n_1/n_1$ ва $p_2 = n_2/n_2$ таққосланган тажриба даражаси, $p = (n_1 + n_2)/(n_1 + n_2)$ иккала гуруҳ бўйича белгиларнинг пайдо бўлишининг ўртача учраш даражаси.


Таҳлил қилинаётган миқдорлар (одатий тақсимот яқинлашиб қолган ва таққосланган намуналар сонига қараб) туфайли статистик таҳлилнинг параметрик усуллари чекланганлигини ҳисобга олиб, биз томондан статистик жиҳатдан тўғри, кўп функционал статистик таҳлил усуллари қўллаш орқали статистик материалларни назорат қилиш амалга оширилди. Пирсон коэффициентини хи квадрат (χ^2) ва Фишернинг аниқ усулидан фойдаланилди.

Олинган маълумотлар ва графикалар ЭХМ типдаги «Пентиум-4» компьютерларида стандарларни («MS Excel-7», «Statistica 6.0») қўллаган ҳолда махсус дастур асосида ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг «Беш ёшгача бўлган болаларда инфекциял диареяларнинг этиологик тузилмаси» деб номланган учинчи бобида беш ёшгача бўлган шифохона шароитида даволанган 402 нафар болаларнинг нажас намунаси ПЗР-, ИФТ- ва ИХА- усулларда текширилиб, ўткир диареяларнинг этиологик тузилмаси таҳлил қилинди.

Олинган натижаларга кўра, беш ёшгача бўлган болаларда вирус этиологияли диареялар (41,4%) ($p < 0,001$), ҳамда уларнинг бактериал табиатли диареялар билан ҳамкорлиги устунлик қилиши аниқланди (22,9%) ($p < 0,001$). Ҳар 4 боланинг бирида моно – бактериал диарея кузатилди. Вирус – вирусли ва бактериал – бактериал диареялар кам ҳолларда (10% ва 2,2% мос равишда) кузатилиши қайд этилди ($p < 0,001$).

Тадаққотимизнинг кейинги босқичида беш ёшгача бўлган болаларда инфекциял диареяларнинг умумий тузилмасида ҳар-бир кўзгатувчиларнинг учраш даражаси алоҳида ўрганиб чиқилди. Кузатувимиздаги ўткир диарея билан оғриган 351 нафар болаларда 4 хил, яъни ротавирус, норовирус, астровирус ва аденовирус каби вирусли кўзгатувчилар аниқланди. 2–расмда келтирилган маълумотларга кўра, беш ёшгача бўлган болаларда норовируслар (43,9%) ва ротавируслар (38,5%) томонидан чақирилган диареялар устун бўлган. Астро- ва аденовирусларнинг учраши – 8,9% дан пастлиги аниқланди ($P < 0,001$). Бактериал диареяларнинг кўзгатувчи тури бўйича учраш даражаси эса, қуйидагича: 203 нафар болаларда учраган бактериал кўзгатувчилардан моно- ва микст инфекциял табиатли диареялар ажратиб олинди. Улар орасида шигеллалар (45,8%) ва сальмонеллалар (35,5%) устун бўлса, камроқ ҳолларда кампилобактер (10,3%) ва эшерихиялар (8,4%) ($P < 0,001$) қайд этилди (2–расмда).



2-расм. Беш ёшгача бўлган болаларда вирусли ва бактериал диареялар кўзгатувчиларининг учраш даражаси

Болаларда инфекцион диареялар ўрганилганда, моно- ва микст инфекцион диареяларнинг умумий тузилмасида вирусли ва бактериал диареялар кўзгатувчиларининг учраш даражаси таҳлил қилиниши катта аҳамиятга эга бўлди. Ротавируслар ва норовируслар вирусли диареяларнинг асосий сабабчилари бўлиб, нафақат моновирусли диареялар, балки микст вирусли диареяларни пайдо бўлишида етакчи ўринни эгаллайди. Ротавируслар вирус-вирусли диареяларни (40,2%), норовируслар эса – вирус-бактериал диареяларни (49%) келтириб чиқаришда асосий кўзгатувчи ҳисобланади. Моновирусли диареяларни келтириб чиқаришда астро- ва аденовирусларнинг ўрни 10%, микст- вирусли диареялар бўйича – 15%ни ташкил этади.

Олинган натижаларга кўра бактериал диареяларнинг умумий тузилмасида монобактериал ва вирусли- бактериал диареялар устунлик қилиши кўринди. Бактериал - бактериал диареяларнинг миқдори эса нисбатан камроқ эканлиги аниқланди (8,4%). Моно- бактериал диареяларнинг этиотроп кўзгатувчиси бўлиб, шигеллалар (55,%), бактериал-бактериал диареяларда эса - сальмонелла ва кампилобактерлар (29,4%дан мос равишда) асосий ўринни эгаллайди, вирус- бактериал диареяларда эса – сальмонеллалар кўп кузатилади (45,7%). Тадқиқот натижаридаги маълумотларга кўра, эшерихиялар (8,4%) бактериал диареяларнинг пайдо бўлишида энг кам ўрин тутиши аниқланди. Бизнинг фикримизга кўра, бу эшерихиозларнинг кўпинча, енгил шаклда кечиши (энтерогеморрагик *E.coli* туридан ташқари) ва беморлар кўп ҳолларда амбулатор шароитда даволаниши билан тушунтирилади, шунингдек, тадқиқотимизда кузатув остига шифохона шароитида даволанган бемор болалар олинганлигини айтиб ўтиш лозим. Шундай қилиб, бугунги кунда беш ёшгача бўлган болаларда инфекцион табиатли диареяларнинг этиологик кўзгатувчиси бўлиб, кўпинча вируслар, жумладан, норо- ва ротавируслар ҳамда уларнинг бошқа вируслар ва бактериялар билан ҳамкорлиги ҳисобланади.

Диареяларнинг умумий тузилмасида бактериал диареяларнинг улуши сезиларли кам бўлиб, аввалом бор ушбу ҳолат болалик даврида диарея синдромининг патогенезида вирусли кўзгатувчиларнинг кўпайиб бориши билан боғлиқдир. Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида турли вирус ва бактериал кўзгатувчилар билан чақирилган ўткир ичак инфекциясининг 5 ёшгача бўлган болаларда ёш бўйича учраш даражаси ўрганилди. Вирусли кўзгатувчилар (кўпинча ротавирус ва норовирус) 6 ойдан 1 ёшгача бўлган болаларда ҳам ўткир диареяларни келтириб чиқарувчи асосий кўзгатувчи ҳисобланади ва барча диареяларнинг 42,2% ($P < 0,001$) ни ташкил этади. Шу нарса диққатни ўзига тортадики, аденовирус этиологияли ўткир ичак инфекциялари (25%) асосан 2-5 ёшгача бўлган болаларда кузатилади. Ушбу вирусли кўзгатувчи бошқа гуруҳ болаларида сезиларли даражада кам ҳолларда қайд этилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, кўзгатувчилар ҳамкорлиги келтириб чиқарган диарея 6 ойдан 1 ёшгача бўлган болалар орасида кўп учраган. Фикримизга кўра, бунга сабаб, болаларда овқатланишнинг ўзгариши, яъни она сути билан

озиклантирмаслик ва сунъий овқатлантиришга ўтказиш асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Бактериал диареяларнинг учраш даражаси эса аксинча, бола улғайган сари яъни, 5 ёшгача бўлган болаларда кўпайиб боради. Тадқиқотдан олинган натижалар асосида маълумотлар базаси компьютер дастури кўринишида «Болаларда ичак инфекцияларни ташхислаш дастури» ишлаб чиқилган (гувоҳнома № DGU 03909) ҳамда 08 июл 2016 йилда рўйхатдан ўтказилган.

Диссертациянинг «**Болаларда кечадиган ўткир диареяларнинг клиник-эпидемиологик хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида болалардаги ўткир диареяларнинг эпидемиологик хусусиятлари 2 кўрсаткич, яъни мавсумийлик ва кўзгатувчининг манбаи асосида ўрганилди. Кузатувимиз давомида инфекциянинг юқиш йўли таҳлил этилмади, чунки бу савол ҳар томонлама олимлар томонидан ўрганилган. Турли вирус ва бактериялар, ҳамда уларнинг ҳамкорлиги натижасида келиб чиққан ўткир диареяларнинг мавсумийлиги бўйича таҳлил натижалари кўрсатилган. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, 5 ёшгача бўлган болаларда кечадиган ўткир диареялар йилнинг барча фасллари давомида қайд этилади. Ёз фаслида (июнь - август) кўпроқ, бактериал кўзгатувчили диареялар кузатилади (моно - бактериал диареялар ва бактериал - бактериал диареялар). Баҳор ва куз фаслларида кўпинча, микст- диареялар – вирус- вирусли, бактериал-бактериал, ҳамда вирус - бактериал диареялар кўпроқ қайд этилади. Қиш фаслида эса кўпроқ, вирус кўзгатувчили, яъни моно- вирусли, вирус-вирусли ҳамда вирус-бактериал диареялар кўпроқ кузатилди. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, сув вирус-бактериал диареяларнинг келиб чиқишида 38,5% ҳолларда касаллик манбаи ҳисобланса, 23,1% ҳолларда моно-бактериал ва вирус- вирусли диареялар келиб чиқишида касаллик манбаи ҳисобланади. Озиқ-овқат маҳсулотлари эҳтимолий инфекция ўчоғи сифатида моно-вирусли диареялар (25%), моно- бактериали диареялар (39,9%) ва вирус- бактериал диареялар (28%) келиб чиқишида асосий касаллик манбаи ҳисобланди. Анамнезда, бемор билан мулоқотда бўлиш моно- вирусли диареялар (69,2%) ва кам миқдорда вирус-вирусли диареялар (20,9%) келиб чиқишида касаллик манбаи ҳисобланди. Шундай қилиб, болаларда кечадиган ўткир диареяларнинг эпидемиологик хусусиятлари бўйича бир нечта маълумотлар аниқланди. Авваломбор, бу мавсумийлик бўлиб, қишда - вирусли диареялар, ёзда –бактериал диареялар ва куз-баҳорда –микст-диареялар учраши қайд этилди. Кузатувимиздаги 79,1% болаларда касаллик ўткир бошланган бўлса, 20,9% болаларда ўткир ости шаклда бошланган.

Кузатувимиздаги болаларнинг 90,5%да сувсизланишнинг ўртача даражаси кузатилган бўлса, 6,5% болаларда оғир даражали дегидратация қайд этилди. Болаларнинг 3%да сувсизланишнинг йўқлиги, биринчи ўринда бундай болаларга амбулатор ёки уй шароитида дастлабки ёрдам кўрсатилганлиги билан тушунтирилади.

Шундай қилиб, ўтказилган таҳлил натижалари болаларда кечадиган турли этиологияли ўткир диареялар клиник кечишининг қатор хусусиятларини ажратиб олишга имкон берди. Шунингдек, замонавий

босқичларда сувсизланишнинг тез ривожланиши хисобига моно- ва микст ҳолда учрайдиган вирусли диареялар оғир кечиши аниқланди. Бу одатда диарея синдромининг осмотик характерда эканлиги билан тушунтирилади.

Диссертациянинг «**Ўткир диареяли болаларда амбулатор ва шифохона даражасида ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларининг сифати ва ҳажмини баҳолаш**» деб номланган бешинчи бобида ўткир диареяларни ташхислаш ва даволаш чора-тадбирлари сифати ва ҳажмини ўрганиш юзасидан республикамизнинг барча вилоятларидаги қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларида таҳлил ўтказилди. Жами, «Ўткир диарея» ташхиси билан 13142та 5 ёшгача бўлган болаларнинг амбулатор карталари таҳлили ўтказилди (2-жадвал).

2-жадвал

ССББда 5 ёшгача бўлган болалардаги ўткир диареяларнинг кайд этилиши

Вилоятлар	5 ёшгача бўлган болаларнинг умумий мурожаатлари сони	Ўткир диарея ташхиси билан 5 ёшгача бўлган болалар сони		ҚВПда амбулатор шaroитда даволанган ўткир диарея ташхиси билан 5 ёшгача бўлган болалар сони		Юқумли касалликлар шифохонасига ўткир диарея ташхиси билан даволаниш учун ўтказилган 5 ёшгача бўлган болалар сони	
		абс	%	абс	%	Абс	%
Тошкент	44775	1120	2,5	698	62,3	346	30,9
Сирдарё	12235	701	5,7	379	54,1	409	58,3
Жиззах	4351	752	17,3	275	36,6	457	60,8
Навоий	3578	286	8,0	254	88,8	20	7,0
Самарканд	5035	1482	29,4	392	26,5	502	33,9
Бухоро	14421	263	1,8	228	86,7	35	13,3
Наманган	5384	624	11,6	254	40,7	224	35,9
Фарғона	13300	736	5,5	366	49,7	370	50,3
Андижон	11843	938	7,9	546	58,2	282	30,1
Сурхондарё	26513	2278	8,6	1425	62,6	790	34,7
Қашқадарё	8094	864	10,7	388	44,9	486	56,3
Хоразм	12660	1817	14,4	1441	79,3	376	20,7
ҚР	8616	269	3,1	64	23,8	238	88,5
Тошкент шаҳри	10331	1012	9,8	492	48,6	413	40,8
Жами	181136	13142	7,2	7202	54,8	4948	36,8

3-жадвалдан кўриниб турибдики, республика бўйича оилавий поликлиникалар ва ҚВПга 5 ёшгача бўлган болаларнинг «Ўткир диарея»

ташхиси билан мурожаат қилиши барча мурожаатларнинг ўртача 7,2% ни ташкил этди. Болалар орасида ўткир диарея Самарқанд, Жиззах ва Хоразм вилоятларида кўпроқ қайд этилган. Фақатгина 36,8% болалар касалликнинг оғирлик даражасига кўра даволаниш учун ССББдан юқумли касалликлар шифохонага ўтказилган. 54,8% болалар амбулатор шароитда даволанадилар. ССББ муассасалари даражасида диареяларнинг этиологик верификацияси амалда ўтказилмайди, фақат 0,63% ҳоллардагина бактериал этиологияли ва 0,64% ҳолларда ўткир вирусли диареялар тасдиқланган. 16,9% болаларнинг амбулатор картасида «Этиологияси номаълум диарея» ташхиси қўйилган ва 1,41% ҳолларда (нажаснинг бактериологик текшируви асосида) диарея шартли-патоген флора сабабли келиб чиққанлиги кузатилган. Ушбу маълумотлардан сўнг ССББ муассасаларидаги ташхислаш имкониятларини аниқлаш бўйича таҳлиллар ўтказиш муҳим бўлди.

Кузатувимиздаги кўпчилик болаларда (94,1%) нажас текшируви минимал даражада (нажаснинг умумий таҳлили ва бактериологик экмаси) ўтказилган ёки ота-оналар мурожаат қилишларидан олдин қўлларида ушбу текширув натижалари мавжуд бўлган. Бир қатор вилоятларда (Сирдарё, Андижан, Қашқадарё ва Хоразм) ушбу текширув усуллари зарур бўлганда қайта ўтказилган.

Эътиборлиси шундаки, республика бўйича ўртача ССББ муассасаларига мурожаат қилган таҳминан, ҳар бешинчи (19,9%) болада нажас бактериологик экма усули ўтказилган. Бироқ, амалий тажриба гувоҳлик беришича, эмпирик антибактериал терапия тавсия этилиши бўйича ССББ даражасидаги муассасалар сезиларли ўрин тутди.

Юқоридаги маълумотлар асосида болаларда кечадиган ўткир диареяларни даволаш бўйича таҳлиллар олиб бордик. Шунингдек, ўткир диареяли болаларда даволаш тактикасини танлаш юзасидан таҳлиллар ўтказилди.

Диареяларни даволашда асосий усул орал регидратацион терапия ССВнинг 225-сонли буйруғида келтириб ўтилганлигига ва истисносиз барча диареяли болаларга тавсия этилиши шартлигига қарамасдан республикадаги ССББ даражасида беморларнинг ярмидан камига (48%) тавсия этилган.


Умуман, республика бўйича фақат Навоий ва Тошкент вилоятларида рух дори воситаси тавсия қилинган бўлиб, бу кўрсаткич 22,2%ни ташкил этди. Қорақалпоғистон Республикасида рух дори воситалари охириги 3 йил давомида тавсия этилмаганлиги аниқланди.

Ўткир диарея билан оғриган болаларда бактериал диареялар 0,63%ни ташкил қилишига қарамасдан, амалда ҳар бешинчи болага (19,5%) антибиотиклар тавсия этилганлиги аниқланди. Антибиотикларнинг тавсия этилиши Сирдарё, Жиззах вилоятлари ва Тошкент шаҳрида энг кўп ҳолларда қайд этилди.

